

## Хитой элчиси институтимизда

Хитой элчиси Цзян Янь расмий ТИҚХММИга ташриф буюрди. Даставвал, меҳмон Инновация ва илмий тадқиқотлар кластерида хитойлик ТИҚХММИ магистрантлари, талаба ва тил курсларида таълим олаётган ўқувчилар билан суҳбат ўтказди. Хитойлик ўқувчилар ўзларини таништиргандан сўнг элчи учун ўзбек ва рус тилларида шеърлар айтиб, қўшиқлар куйлашди. Бундан руҳланган Хитой элчиси Ўзбекистонда тил ўрганиш ва таълим олишнинг бир неча ижобий жиҳатларини санаб ўтдилар. Жумладан, тил ўзлаштириш билан биргаликда минг(лаб) йиллик тарихга эга ўзбек халқининг маданияти, урф-одатлари ва тарихини ўрганиш заруриятини ҳам ҳис этдилар.



Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор А.Салоҳиддинов институтнинг фаолияти хусусида тақдимот ўтказди. Цзян Янь институтнинг кенг қамровли таълим ва илмий фаолиятини юқори баҳолаб, ижобий таассурот билан учрашувнинг навбатдаги раунд (қисми)га ўтирди.

Учрашувнинг навбатдаги қисми видеоконференция залида давом этди. Учрашувда институтнинг 5 нафар талабаси Хохай университетиде таълим олаётгани, POWER CHINA билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ришталари ва Хитойнинг Нанкинг университетиде йўлга қўйилиши кутилаётган қўшма магистратура дастурлари ҳақида маълумот берилди. Институт талабалари Хохай университетларида иқтидорли талабалари қаторида таълим олаётгани ва хитойлик корхоналар ишга олиб қолиш бўйича таклифлар билдираётганини ифтихор билан таъкидланди.



Институт ректори У.Умурзаков ТИҚХММИда Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, смарт (ақлли) университет ташкил қилинаётгани ҳақида сўз юритишди. Смарт университетнинг аудиториялар кўриниши, ақлли қурилмалар орқали талабаларни назорат қилиниши ва интерактив доскалар орқали таълим бериш имкониятларини батафсил ёритиб берди. Бундан катта таассурот олган хитойлик элчи HUAWEI билан алоқаларни янада кучайтиришни ва смарт университетини ташкил этишда уларни кенгроқ жалб қилишни тавсия этди. Сўнгра ўзаро совғалар алмашилди ва Цзян Янь институт фахрий меҳмонлар китобига илиқ фикрларини ёзиб қолдиришди.



Кейин эса ТИҚХММИ қошидаги International House академик лицейининг смарт аудиторияларини бориб кўришди. Хитой элчиси Цзян Янь институтнинг кенг қамровли фаолиятдан катта таассуротга эга бўлди, шунингдек, Хитой билан алоқаларни янада кучайтиришда фаолликни қўллаб-қувватланишини таъкидлаб ўтди.

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**